

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбойжон  
Республикаси Ҳукумати ўртасида стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги  
ҳамкорлик тўғрисида

Б И Т И М

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбойжон Республикаси Ҳукумати кейинги ўринларда Томонлар деб аталади,

иккала давлат ўртасида тарихан шаклланган муносабатларни эътиборга олиб,

иқтисодий ва савдо муносабатларидаги техник тўсиқларни бартараф этиш, маҳсулотларнинг ўзаро мослигини, ўзаро бир-бирини алмаштиришини таъминлаш, уларнинг одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсизлигини, атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш мақсадида,

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга интилиб, бунда халқаро ташкилотлар томонидан ушбу соҳада қабул қилинган принциплар ва нормалардан келиб чиқиб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашдилар:

1 - м о д д а

Томонлар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантирадилар ва мустақамлайдилар, жумладан стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш миллий тизимларини ушбу соҳада халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган тизимлар билан бир хиллаштирадилар.

2 - м о д д а

Томонлар, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари Озарбойжон Республикаси ҳудудида ва тегишлича, Озарбойжон Республикаси давлат стандартлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилишига кўмаклашадилар.

Томонлар, зарурат бўлганда, стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш масалалари бўйича бир-бирларига ташкилий, методик ва амалий ёрдам кўрсатадилар.

3 - м о д д а

Томонлар сертификатлаштириш органларини, синов лабораториялари (марказлари)ни, сертификатлаштириш натижаларини ва сертификатлаштириш миллий тизимида рўйхатдан ўтказилган ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотларга мувофиқлик белгиларини ўзаро тан оладилар.

Томонлар сертификатлаштириш миллий тизимидаги ўзгаришлар, миллий тизимларда аккредитация қилинган сертификатлаштириш бўйича

органлар, синов лабораториялари рўйхати тўғрисидаги ахборотни мунтазам айирбошлайдилар.

#### 4 - м о д д а

Томонлар сертификатлаштириш халқаро тизимларида мустақил қатнашадилар. Мазкур Битим Томонларнинг сертификатлаштиришнинг халқаро тизимлари қоидаларидан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

#### 5 - м о д д а

Томонлар:

модда ва материалларнинг таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини, буюмлар ва моддаларнинг физик константлари ва хоссалари тўғрисидаги стандарт маълумотларни, синовлар ва турларни тасдиқлаш, метрологик аттестациялар, ўлчов воситаларини текшириш ва калибрлашни ўзаро тан оладилар;

давлатларда акредитация қилинган синов, текшириш, калибрлаш ва ўлчаш лабораториялари (марказлари)ни, сертификациялаш органларини, сертификатларни ва ўзаро етказиб бериладиган ўлчов воситаларига мувофиқлик белгилари натижаларини, давлатларда тасдиқланган катталик бирликларининг давлат эталонларини ўзаро тан оладилар.

#### 6 - м о д д а

Томонлар кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда, мутахассислар айирбошлашда, норматив-техник ҳужжатлар тайёрлаш, метрология ва сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича корхоналар, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилишига кўмаклашадилар ҳамда ушбу ўзаро ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратадилар.

#### 7 - м о д д а

Томонлар Томонлардан бири аъзо ҳисобланган халқаро ташкилотларда қатнашиш ёки кириш учун ўзаро қўллаб-қувватлаган ҳолда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича турли халқаро ташкилотларда ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар ўзлари аъзо бўлган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар ишидаги ишлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар, сўровлар бўйича халқаро стандартлар матнлари билан белгиланган тартибда ўзаро таъминлайдилар.

Томонлар, агар уларнинг махфий тусдалигидан Томонлардан бири хабардор қилинган бўлса, олинган ҳужжатнинг ва мазкур Битим доирасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисидаги ахборотнинг ҳамда эришилган илмий-техник натижаларнинг махфийлигини таъминлайдилар.

## 8 - м о д а

Ҳамкорлик давомида Томонлардан бири томонидан олинадиган илмий-техник ахборот ушбу ахборотни берган Томоннинг розилиги билангина учинчи Томонга берилиши мумкин.

## 9 - м о д а

Мазкур Битим қоидалари зарурат бўлганда "Ўздавстандарт" маркази билан "Оздавстандарт" ўртасида тузиладиган қўшимча битимлар ва (ёки) протоколлар билан аниқлаштирилади.

## 10 - м о д а

Мазкур Битимда назарда тўтган ишларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга ошириш:

- Ўзбекистон Республикасида - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат стандартлаш, метрология ва сертификация марказига;

- Озарбойжон Республикасида - Озарбойжон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат стандартлаш, метрология ва сертификация марказига юклатилади.

## 11 - м о д а

Мазкур Битимни бажариш ва талқин қилиш билан боғлиқ бўлган барча низолар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

## 12 - м о д а

Мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради, беш йил давомида амал қилади ва агар Томонлардан ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш ҳақидаги ўз нияти тўғрисида Битимнинг амал қилишининг навбатдаги даври тамом бўлишидан камида олти ой олдин иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилмаса, ўз-ўзидан узайтирилади.

1996 йил "27" майда Баку шаҳрида ўзбек, озарбойжон ва рус тилларида икки нусхада тузилди, барча матнлар бир хил кучга эгадир.

Мазкур битимнинг қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Ҳуқумати номидан

Озарбойжон Республикаси  
Ҳуқумати номидан

507


